

**ФИЗИКА-ТЕХНИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.30.05.2018.FM./Т.34.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УРҒАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АТАМУРАТОВ АТАБЕК ЭГАМБЕРДИЕВИЧ

**ДИЭЛЕКТРИК-ЯРИМЎТКАЗГИЧ ЧЕГАРАСИ ХОССАЛАРИГА
ТАШҚИ ОМИЛЛАР ТАЪСИРИ ВА МИКРОМЕТРЛИ ВА
НАНОМЕТРЛИ МДЯ ТРАНЗИСТОРЛАР
ХАРАКТЕРИСТИКАЛАРИНИ МОДЕЛЛАШТИРИШ**

01.04.10 – Яримўтказгичлар физикаси

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Contents of the of Doctoral (DSc) Dissertation Abstract

Атамуратов Атабек Эгамбердиевич

Диэлектрик-яримўтказгич чегараси хоссаларига ташқи омиллар таъсири ва микрометрли ва нанометрли МДЯ транзисторлар характеристикаларини моделлаштириш..... 3

Атамуратов Атабек Эгамбердиевич

Влияние внешних воздействий на свойства границы диэлектрик-полупроводник и моделирование характеристик микрометровых и нанометровых МДП транзисторов..... 29

Atamuratov Atabek Egamberdievich

External influences to the dielectric-semiconductor interface, and simulation of the characteristics of MOSFET with micrometer and nanometer sizes..... 55

Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати

Список опубликованных научных работ
List of published research works 60

**ФИЗИКА-ТЕХНИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.30.05.2018.FM./Т.34.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УРҒАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АТАМУРАТОВ АТАБЕК ЭГАМБЕРДИЕВИЧ

**ДИЭЛЕКТРИК-ЯРИМЎТКАЗГИЧ ЧЕГАРАСИ ХОССАЛАРИГА
ТАШҚИ ОМИЛЛАР ТАЪСИРИ ВА МИКРОМЕТРЛИ ВА
НАНОМЕТРЛИ МДЯ ТРАНЗИСТОРЛАР
ХАРАКТЕРИСТИКАЛАРИНИ МОДЕЛЛАШТИРИШ**

01.04.10 – Яримўтказгичлар физикаси

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.3.DSc/FM97 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Урганч давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.fti.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Юсупов Ахмад**
физика-математика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Антонио Гарсиа Лоурейро**
фан доктори, профессор (Испания)
Каримов Иброхим Набиевич
физика-математика фанлари доктори
Гулямов Абдурасул Гафурович
физика-математика фанлари доктори

Етакчи ташкилот: **Қорақалпоқ давлат университети**

Диссертация ҳимояси Физика-техника институти ҳузуридаги DSc.30.05.2018.FM./Т.34.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100084, Тошкент шаҳри, Чингиз Айтматов кўчаси, 2Б-уй. Тел./факс: (99871) 235-42-91, e-mail: ftikans@uzsci.net, Физика-техника институти мажлислар зали).

Диссертация билан Физика-техника институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100084, Тошкент шаҳри, Чингиз Айтматов кўчаси, 2Б-уй, Физика-техника институти. Тел./факс: (99871) 235-30-41.

Диссертация автореферати 2019 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2019 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

Н. Р. Авезова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, т.ф.д.

О. А. Абдулхаев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, ф.-м.ф.фалсафа доктори

А.В. Каримов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, ф.-м.ф.д., профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Ҳозирги кунда жаҳон миқёсида жадал ривожланаётган яримўтказгич асбоблар соҳасида истиқболли йўналишлардан бири бу турли ташқи таъсирларга чидамли ҳамда интеграл схемаларда интеграция даражасини ошириш имконини берувчи етарли даражада кичик ўлчамли металл-диэлектрик-яримўтказгич (МДЯ) асбобларни яратишдан иборат. Кейинги йилларда МДЯ тузилмалар турли замонавий электроника қурилмаларида, жумладан яримўтказгич хотира элементларида, мобил алоқа қурилмаларида, турли тиббий имплантациавий датчикларда, телекоммуникация қурилмаларида ҳамда космик саноат техникаларида асосий ташкилий элемент сифатида кенг қўлланилмоқда. Шу боисдан МДЯ тузилмалар ва улар асосидаги асбоблар хоссаларини ўрганиш ҳозирги замон яримўтказгичлар физикасининг долзарб вазифаларидан ҳисобланади.

Бугунги кунда жаҳонда МДЯ транзисторлар характеристикаларига турли ташқи таъсирларни ўрганишга ҳамда диэлектрик қатлами ва диэлектрик-яримўтказгич чегарасида тўпланган заряднинг транзистор параметр ва характеристикаларига таъсирини очиқ беришга катта эътибор қаратилмоқда. Шу сабабли МДЯ тузилмаларнинг диэлектрик-яримўтказгич чегарасида ионизацияловчи радиация таъсирида юзага келадиган сирт сатхлари генерацияси механизмини очиқ бериш, радиация ва электр майдон таъсирида диэлектрик қатламида ва диэлектрик-яримўтказгич чегарасида нотекис тўпланган зарядларнинг МДЯ транзистор характеристикаларига таъсири қонуниятларини аниқлаш яримўтказгичли асбоблар физикасининг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

Республикамизда илм-фан ривожига, жумладан яримўтказгичли асбоблар физикаси ва электроника соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада мамлакатимиз олимлари томонидан янги яримўтказгич материаллар, улар асосида турли тузилмалар олиш ва уларнинг характеристикаларига ташқи омиллар таъсирларини ўрганиш бўйича муҳим натижалар олинган. Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясида илмий - тадқиқот ва инновацион фаолиятни рағбатлантириш, энергия тежамкор технологияларни ишлаб чиқиш, қайта тикланувчан энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш вазифалари белгилаб берилган. Бу борада турли ташқи таъсирларга чидамли янги электрон техника материаллари ва улар асосидаги структураларни ишлаб чиқиш ҳамда уларнинг параметрларини назорат қилишнинг самарали усулларини яратиш муҳим масалалардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 майдаги ПҚ-4348-сонли «Электротехника саноатини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва тармоқнинг инвестициявий ҳамда экспорт салоҳиятини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2018 йил 14 июлдаги ПҚ-3855-сонли «Илмий ва илмий-техникавий фаолият натижаларини тижоратлаштириш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча

чора-тадбирлар тўғрисидаги» ва 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сонли «Фанлар Академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги» Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши Ўзбекистон Республикасининг фан ва технологиялар ривожланишининг III. «Энергетика, энергия ва ресурс тежамкорлиги, транспорт, машина ва асбобсозлик, замонавий электроника, микроэлектроника, фотоника ва электрон асбобсозликни ривожлантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи¹.

Диэлектрик-яримўтказгич чегара сатхларидаги ва затвор ости диэлектрик қатламидаги зарядлар ва уларнинг тақсимотининг ҳамда ионизацияловчи радиациявий нурланиш ва термик ишловларнинг МДЯ тузилмалар асосидаги асбобларнинг характеристикаларига таъсири жаҳоннинг йирик илмий марказлари ва университетларида, жумладан Вандербилт университети Коинот ва мудофаа электроникаси институти, Сандиа миллий лабораторияси, Стенфорд университети (АҚШ), Университетлараро микроэлектроника маркази (Бельгия), Сейжонг университети (Жанубий Корея), Россия Фанлар академиясининг радиотехника ва электроника институти, Москва мухандислик - физика институти, Санкт-Петербург давлат университети (Россия Федерацияси), Нагоя университети, Ниппон Хосо Кио Каи техник тадқиқот лабораторияси, Тошиба яримўтказгич асбоблар техникаси лабораторияси (Япония), Рейн Вестфаль Аачен техника университети (Германия), Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Физика-техника институти ва Ядро физикаси институти, Ўзбекистон Миллий университети, Қорақалпоқ, Андижон ва Урганч давлат университетларида (Ўзбекистон) фаол ўрганилмоқда.

Диэлектрик-яримўтказгич чегара сатхларидаги ва затвор ости диэлектрик қатламидаги зарядларнинг, уларнинг тақсимотининг ҳамда ионизацияловчи радиациявий нурланиш ва термик ишловларнинг турли яримўтказгичлар асосидаги МДЯ асбобларнинг барқарорлигига, характеристикаларига, ишончлилигига таъсири бўйича жаҳон миқёсида қатор долзарб масалалар ечилган ва муҳим илмий натижалар олинган, жумладан: МДЯ тузилмалари диэлектрик қатламида ва диэлектрик-

¹ Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий-изланишлар шарҳи Fleetwood D.M. //Microelectronics Reliability, 2018, Volume 80, Pages 266-277.; Kaczer B., Franco J., Weckx P., Roussel Ph. J., Putcha V., Bury E., Simicic M., Chasin A., Linten D., Parvais B., Catthoor F., Rzepa G., Waltl M., Grasser T.// Microelectronics Reliability. 2018, Volume 81, Pages 186-194.; Heesoon Chae, Somyeong Shin, Jaehoon Choi, Sunae Seo.//Current Applied Physics, 2015, Volume 15, Issue 11, Pages 1412-1416.; Гольдман Е.И., Ждан А.Г. Новый подход к созданию нанoeлектронных систем в размерно-квантующем потенциальном рельефе встроенных зарядов в изолированных слоях у поверхности полупроводника //Письма в ЖТФ. 2000. Т. 29. № 1. С. 38-41.; Ho-Myoung An; Eui Bok Lee; Hee-Dong Kim; Yu Jeong Seo; Tae Geun Kim; A New Class of Charge-Trap Flash Memory With Resistive Switching Mechanisms. Electron Devices, 2010, V. 57, Issue:10, pp. 2398 – 2404.ва бошқа манбалар асосида бажарилган.

яримўтказгич чегарасида радиация таъсири натижасида юзага келувчи заряд тўпланишининг модели ишлаб чиқилган (Вандербилт университети Коинот ва мудофаа электроникаси институти ва Сандиа миллий лабораториясида, АҚШ); диэлектрик-яримўтказгич чегарасида зарядларни тақсимлаш ёрдамида анъанавий нанотузилмалардан тубдан фарқ қилувчи наноўлчамдаги электрон тизимлар шакллантириш услуги таклиф қилинган (Россия Фанлар академиясининг Радиотехника ва электроника институти); сиғимни ўлчаш асосида диэлектрик-яримўтказгич чегараси яқинида диэлектрик қатламидаги заряд тақсимотини қайд қилиш услуги яратилган (Стенфорд университети, АҚШ; Ниппон Хосо Киокай Техник тадқиқот лабораторияси, ва Тошиба яримўтказгич асбоблар техникаси лабораторияси, Япония).

Ҳозирги кунда МДЯ тузилмалар диэлектрик қатламидаги ва диэлектрик-яримўтказгич чегарасидаги нуқсонлар табиатини, манфий (ёки мусбат) силжишларда тузилманинг температуравий нобарқарорлигини ўрганиш мақсадида МДЯ тузилмалар характеристикаларига нурлантириш мобайнида термик майдон таъсирларини назарий ва экспериментал тадқиқ қилиш, шунингдек, бундай тузилмаларни яримўтказгич хотира элементларида қўллаш учун оксид қатламидаги ҳамда чегарадаги нуқсонлар ва уларнинг тақсимотини аниқлаш билан боғлиқ бўлган устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Шу кунга қадар диэлектрик-яримўтказгич чегараси хоссаларига ва улар асосидаги асбоблар характеристикаларига ташқи омиллар таъсирларини ўрганиш билан боғлиқ тадқиқотларда асосан Со-60 манбасининг гамма-квантлари, электрон, протон ва нейтрон дасталари, ультрабинафша нурланиш ва температуранинг таъсирлари билан чекланилган, ва юқори энергияли тормозловчи нурланишнинг таъсири деярлик ўрганилмаган. АҚШ олимлари J.R. Schwank, P.S. Winokur ва F.B. McLean томонидан Si-SiO₂ чегарасида радиация таъсирида индукцияланадиган зарядларнинг тўпланиш жараёнини ўрганиш бўйича кўплаб тадқиқотлар олиб борилган ва шу зарядлар тўпланиш жараёни механизмини тавсифловчи моделлар таклиф қилинган. J.R. Schwank моделига кўра радиация таъсирида индукцияланадиган коваклар Si-H боғларни узади ва водород атомини озод қилади. Озод бўлган водород атоми чегара қатламига диффузияланиб, у ердаги Si-H боғларни узиб, сирт сатхларни ҳамда молекуляр водородни ҳосил қилади. Ушбу механизм заряд тўпланишини тушунтира олади, аммо у заряд тўпланишининг майдон кучланганлигига боғлиқлигини тушунтирмайди. P.S. Winokur ва F.B. McLean ларнинг водород иони ҳосил бўлишига асосланган модели заряд тўпланишининг майдон кучланганлигига боғлиқлигини яхши тушунтиради, аммо жараённинг динамикасини ва оксид қатлами қалинлигига боғлиқлигини тушунтира олмайди. Ҳозирги кунгача оксид-яримўтказгич чегарасида заряд тўпланиши бўйича барча тажриба натижаларини тўлиқлигича тушунтирадиган ягона модел мавжуд эмас. Россия олимлари (В.Я. Урицкий, Е.А. Ладыгин, В.А. Гуртов ва б.) нурланиш таъсирида диэлектрик қатламда ва оксид-яримўтказгич чегарасида нуқсонлар концентрацияси ва зарядлар

таксимотини, ток ташувчилар ҳаракатчанлиги деградациясини асосан затвор, сток (исток) ёки таглик орқали ўтадиган ток ва кириш вольтфарад характеристикасини ўлчаш орқали ўрганишган. Аммо бу усуллар фақат интеграл маълумотни беради ва чегара бўйлаб зарядлар таксимотини аниқлашга ва чегара бўйлаб зарядларнинг нотекис таксимланишининг МДЯ характеристикаларига таъсирини ўрганишга имкон бермайди.

Ўзбекистон олимлари А.В. Каримов, С.И. Власов, И.Н. Каримов, Х.С. Далиев, А. Юсупов ва бошқалар томонидан ҳам МДЯ асбоблар характеристикалари ўрганилган. Жумладан, А.В. Каримов томонидан р-п ўтишга асосланган майдоний транзисторларда турли структуравий эффектлар кўрилган, С.И. Власов томонидан МДЯ тузилмалардаги диэлектрик-яримўтказгич чегараси хоссаларини ўрганиш учун такомиллаштирилган С-V усуллар ривожлантирилган. И.Н. Каримов томонидан МДЯ тузилмалар чегара ҳолатларига турли ташқи омиллар таъсири ўрганилган. Х.С. Далиев томонидан тажриба йўли билан МДЯ тузилмаларга Si атмосферасида ишлов берилганда Si-SiO₂ чегарасидаги ҳолатларни сезиларли пассивацияланиши кўрсатилган. А.Юсупов томонидан МДЯ транзисторлар хоссаларига диэлектрик қатламига киритилган локал зарядларнинг таъсири ўрганилган. Аммо бу ишларда юқори энергияли тормозловчи нурланишнинг МДЯ транзисторлар характеристикаларига ҳамда бўсаға кучланишининг оксид қатламидаги ва чегарадаги зарядлар билан боғлиқ ташкил этувчиларига таъсири деярлик ўрганилмаган.

МДЯ асбобларда оксид қатламида ва чегарада зарядлар тўпланиш жараёнини ўрганиш бўйича тадқиқотлар сони етарлича кўп эканлигига қарамасдан, ҳозирги кунгача чегарада зарядлар тўпланиш механизмини тушунтириб бера оладиган яқунланган модел яратилмаган. МДЯ асбоблар диэлектрик қатламида ва чегара сиртида нотекис тўпланган зарядларнинг асбоб характеристикаларига таъсири тизимли ўрганилмаган. Яримўтказгич нанотузилмаларни олиш технологияларини ривожлантириш бўйича тадқиқотлар асосан маълум йўналиш ёки йўналишлар бўйича ўлчамлари чекланган яримўтказгич материаллар қатламларини ўстиришга қаратилган бўлиб, белгиланган зарядлар таксимоти асосида потенциал рельеф шаклида яримўтказгич нанотузилмаларни шакллантиришга бағишланган тадқиқотлар эса жуда кам.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Урганч давлат университети фундаментал илмий-тадқиқотлар режасининг ОТ-Ф2-67 «Диэлектрик-яримўтказгич чегарасидаги нуқсонлар табиати ва ён томон бўйлаб таксимотини тадқиқ қилиш усулига янгича ёндашиш» (2017-2020 й.й.) ва Урганч давлат университети илмий кенгаши томонидан тасдиқланган (28.12.2016 даги 4-сонли баённомаси) «Яримўтказгичлар ва яримўтказгич асбобларда физик жараёнларни моделлаштириш» мавзулари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади юқори энергияли тормозловчи нурланишнинг таъсири остида диэлектрик-яримўтказгич чегараси ва микрометр ва нанометр ўлчамли МДЯ асбоблари характеристикалари ўзгаришини аниқлаш ҳамда нанотузилмалар шаклланиш механизмларини ўрнатишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

МДЯ асбобларга таъсири ўрганиладиган ташқи таъсирлар параметрлари ва юқори энергияли тормозловчи гамма – нурланиш режими, интенсивлиги ва энергиясини танлаш;

микрометр ўлчамлардаги МДЯ транзисторнинг Si-SiO₂ чегарасидаги сирт сатхлар зичлиги, бўсаға кучланиши ва ток характеристикаларига юқори энергияли тормозловчи нурланиш ва термик ҳамда майдон таъсирини излаш ва Co-60 манба гамма-квантлари таъсири билан таққослаш;

МДЯ транзистор бўсаға кучланиши ва унинг диэлектрик қатламида ва Si-SiO₂ чегарасида тўпланадиган зарядлар билан боғлиқ ташкил этувчиларига термик ишловнинг таъсирини излаш;

диэлектрик-яримўтказгич чегараси хоссаларига бир вақтнинг ўзида радиация ва электр майдон таъсирини излаш;

МДЯ транзистор ён ўтишлари вольтфарад характеристикаларига оксид қатламида қамраладиган зарядларнинг таъсирини излаш;

яримўтказгич сиртида, унинг билан чегарага эга бўлган диэлектрик қатламидаги зарядларнинг тақсимооти асосида, ҳосил қилинадиган кичик ўлчамли электрон тузилмаларнинг хоссаларини назарий излаш;

оксид қатламига заряд киритилган нанометр ўлчамлардаги МДЯ транзистор ён ўтиши сиғимини моделлаштириш.

Тадқиқотнинг объекти металл-диэлектрик-яримўтказгич, металл-нитрид-оксид-яримўтказгич тузилмалари, микрометр ва нанометрли МДЯ транзисторлари, металл-оксид-яримўтказгич тузилмаларда шакллантирилган кичик ўлчамли электрон тузилмаларидан иборат.

Тадқиқотнинг предмети МДЯ асбобларнинг вольтампер ва вольтфарад характеристикаларига радиациавий нурланиш, термик ва термик-майдон ишлов ҳамда диэлектрик қатламдаги зарядларнинг нотекис тақсимланишининг таъсир жараёнларидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда экспериментал физиканинг комплекс усуллари: бир неча ўтишли тузилмалар параметрларини тадқиқ қилишнинг юқори частотали вольтфарад характеристикаси, чиқиш вольтампер характеристикаси, бўсағадан паст ўтиш вольтампер характеристикаси усуллари, шунингдек электрон жараёнларни назарий-аналитик ҳамда компьютерда сонли моделлаштириш усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

МДЯ транзисторига Co-60 манба гамма-квантлари таъсиридаги каби, юқори энергияли тормозловчи нурлар таъсирида ҳам бўсаға кучланишининг оксид қатламида қамралган зарядлар билан боғлиқ ташкил этувчиси монотон ортиб, энергия кўчирилишининг 10³ Дж/см² дан юқорироқ қийматларида тўйинишга эришиши илк бор кўрсатилган;

кремнийли МДЯ транзисторга бир вақтнинг ўзида юқори энергияли тормозловчи нурланиш ва оксид қатламига йўналтирилган электр майдон қўйилганда кремний оксиди-кремний чегараси бўйлаб зарядларнинг нотекис тўпланиши аниқланган;

МДЯ транзисторни Со-60 гамма-квантлари билан нурлантириш вақтида затворга стокга нисбатан +10 В кучланиш берилганда, сток-таглик ўтишининг тешилиш кучланиши -30 В дан -5 В гача ўзгариши ва исток-таглик ўтишининг тешилиш кучланиши деярли ўзгармаслиги аниқланган;

МДЯ транзисторни Со-60 гамма-квантлари билан нурлантириш вақтининг ўзида, истокга стокга нисбатан ± 10 В кучланиш қўйилганда, диэлектрик қатламида зарядларнинг нотекис тақсимланиши сабабли, исток-таглик ўтиш вольтфарад характеристикасининг қўйилган кучланишнинг ишорасига ва нурланиш дозасига боғлиқ равишда ўзгариши илк бор аниқланган;

Si-SiO₂ тузилманинг SiO₂ сиртига йўналтирилган атом кучли микроскопи асосидаги Кельвин пробаси зондига тузилманинг n-Si таглигига нисбатан 15 дақиқа вақт давомида, контактсиз модада, +10 В кучланиш бериш орқали оксид қатламига чизиқли ўлчами 1000 нм тартибдаги зарядлар киритиш («ёзиш») мумкинлиги кўрсатилган;

оксид қатламида тақсимланган зарядларга эга бўлган цилиндрик шаклдаги диэлектрик-яримўтказгич тузилмасининг яримўтказгич соҳасидаги потенциал тақсимоти ва унинг оксид қатламидаги зарядлар тақсимотига боғланиш ифодалари аниқланган;

метал-нитрид-оксид-яримўтказгич (МНОЯ) транзисторининг нитрид қатламига локал зарядлар киритилганда ён ўтиш вольтфарад характеристикасининг ўзгариши моделлаштирилган ҳамда киритилган локал зарядлар ён исток-таглик ўтиш сиғимининг сакраб ортишига олиб келиши ва сакраш кучланишининг локал зарядларнинг истокка нисбатан вазиятига боғлиқ эканлиги илк бор кўрсатилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

МДЯ транзистор бўсағавий кучланиши ва унинг оксид қатламида ва диэлектрик-яримўтказгич чегарасида тўпланган зарядлар билан боғлиқ ташкил этувчиларининг спектрида максимал энергияси 30 МэВ бўлган юқори энергияли тормозловчи гамма нурланиш ва Со-60 манба гамма-квантлари нурланиш энергияси кўчирилишига боғланиши аниқланиб, амалиётда МДЯ транзисторларни радиациявий ҳолатида фойдаланилишида, бўсаға кучланишининг деградациясини башорат қилиш имконини бериши кўрсатилган;

МДЯ транзистор исток-таглик (сток-таглик) ён ўтишининг вольтфарад характеристикаси шаклининг оксид қатлами ва оксид-яримўтказгич чегарасида тўпланган зарядларнинг нотекис тақсимланишига боғланиши аниқланиб, бу оксид қатламида ва оксид-яримўтказгич чегарасида тўпланган локал зарядларни аниқлашга имкон бериши ҳамда оксид билан яримўтказгич чегарасини ва унинг атрофини диагностика қилишнинг экспресслигини ошириши кўрсатилган;

диэлектрик-яримўтказгич тузилмасининг яримўтказгич сирти ва ҳажмидаги потенциал тақсимотининг диэлектрик қатламига киритилган зарядлар тақсимоти геометрияси ва параметрларига боғлиқлиги аниқланган ва бу ўз навбатида яримўтказгичда, диэлектрик қатламда зарядларни тақсимлаш орқали бошқариладиган квант ўлчамли тизимларни яратиш мумкинлиги ва уларни олиш технологиясини соддалаштиришга имкон бериши кўрсатилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диссертация ишида яримўтказгич асбобларнинг сифимли спектроскопиясининг замонавий усуллари ва ёндашишларини қўллаш, намуна электрофизик параметрларини ўлчаш учун стандарт асбоблардан фойдаланиш, вольтампер характеристикаларини ўлчаш ва радиациявий дозиметрия усулларида фойдаланиш, моделлаштиришда стандарт дастурлардан фойдаланиш ва уларда қўлланилган физик моделлар нашрларда эълон қилинган тажриба натижалари асосида калибровка қилинганлиги билан таъминланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти юқори энергияли тормозловчи нурланиш билан таъсир қилганда МДЯ транзистор бўсага кучланиши ва унинг оксид қатламида ва оралиқ чегарада тўпланган зарядлар билан боғлиқ ташкил этувчиларининг ўзгариши тўғрисидаги янги тасаввурларни яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, аниқланган, исток-таглик ёки сток-таглик вольтфарад характеристикасининг МДЯ транзистор диэлектрик қатламида ёки диэлектрик-яримўтказгич чегарасида зарядларнинг нотекис тақсимланишига боғлиқлигидан МДЯ асбобларни олиш технологик жараёнларида диэлектрик-яримўтказгич чегарасидаги нуқсонларнинг тақсимотини назорат қилишда ва диэлектрик қатлам билан чегарага эга бўлган яримўтказгич сиртида ва ҳажмидаги потенциал тақсимотининг диэлектрик қатламидаги зарядлар тақсимотига боғланишидан қайта шакллантириладиган нано ўлчамли яримўтказгич тузилмалар олишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ионизацияловчи нурланишнинг термик ва термик-майдон ишлов беришнинг МДЯ транзистор кириш ва ўтиш характеристикаларига, ён ўтишларининг вольтампер ва вольтфарад характеристикаларига таъсирини аниқлаш ҳамда диэлектрик қатламдаги зарядларнинг нотекис тақсимланишининг ён ўтишларнинг вольтфарад характеристикаларига таъсирини моделлаштириш асосида:

МНОЯ транзисторининг нитрид қатламига локал заряд киритилганда ён ўтиш вольтфарад характеристикасининг ўзгаришини моделлаштириш бўйича олинган натижалар Испания Сантиаго де Компостелла университетининг Смарт технологиялар бўйича Сингуляр тадқиқотлар марказида (CITIUS) бажарилган «Илгариланган яримўтказгич асбобларни моделлаштириш ва ҳисоблаш воситаларини яратиш: хусусий параметрларни флуктуациясини ўрганиш учун қўллаш» лойиҳасида илгариланган майдоний транзисторларни моделлаштиришда қўлланилган (Смарт технологиялар бўйича Сингуляр

тадқиқотлар марказининг 2019 йил 29 апрелдаги маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш наноўлчамдаги майдоний транзисторларни, хусусан вертикал майдоний транзисторларнинг характеристикаларига ички параметрлар флуктуацияси таъсирини моделлаштириш имконини берган;

Со-60 манбаси ионизацияловчи гамма-квантлари ва электр майдони таъсирида МДЯ транзисторнинг диэлектрик қатламига киритилган зарядлар тақсимоти исток-таглик р-п ўтишнинг тескари вольтампер ва вольтфарад характеристикаларини, сизиш токини ва тешилиш кучланишини ўзгартириши бўйича натижалари «Легирилган кремний сирти ва ҳажмидаги квант ўлчамли эффектлар ҳамда уларнинг р-п-структуралардаги заряд ташувчилар фотогенерация ва рекомбинация жараёнларига таъсири» фундаментал лойиҳасида кремний асосидаги р-п ўтишларда заряд ташувчилар фотогенерация жараёнларини ўрганишда қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 20 декабрдаги 89-03-4389-сон маълумотномаси). Илмий натижаларни қўллаш р-п ўтишдаги ток ташувчилар фотогенерация жараёнларига кристалл сирт эффектларининг таъсирини тушунтириш имконини берган;

Кельвин пробаси услубида зарядланган оксид қатлами сирти ва яримўтказгичнинг кутбланган сиртларини тажрибавий ўрганиш натижалари, хорижий журналларда (Journal of Physics and Chemistry of Solids, 89, 7-14, 2016, IF: 2.207; Journal of Crystal Growth, 510, 56-64, 2019, IF 1.742; Materials Science in Semiconductor Processing, 55, 32-45, 2016, IF: 2.593 ва бошқалар) нанометр масштабидаги яримўтказгич намуналар сиртида юзага келадиган локал электр потенциалларни ўлчашда, турли яримўтказгич сиртларида ҳар хил материаллардан наноишларни ўстириш поғоналарини ўрганишда фойдаланилган. Илмий натижалардан фойдаланиш турли шаклдаги яримўтказгич нанотузилмаларни олиш усулларини ривожлантириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари Урганч давлат университети, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Физика-техника институти ва Лакуила университети (Италия) илмий семинарларида ҳамда илмий анжуманларда, жумладан 6 та халқаро ва 11 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 32 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан, 9 та хорижий ва 2 та республика журналларида чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация иши жами 172 саҳифалардан иборат бўлиб, таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, 53та расм, 2та жадвал ва 4та иловани ўз ичига олган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, мавзу бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «**МДЯ асбоблар, уларнинг хоссалари ва кўлланилиши**» деб номланган биринчи бобда адабиётларда келтирилган маълумотлар тахлили асосида МДЯ транзисторларга ионизацияловчи нурланиш ва термик ишловлар таъсири, Si-SiO₂ чегарасида радиация таъсирида индукцияланадиган зарядларнинг тўпланиш жараёнини ўрганиш бўйича кўплаб тадқиқотлар ва шу зарядлар тўпланиш жараёни механизмини тавсифловчи моделлар кўрилган. Диэлектрик қатламга зарядлар киритилишининг хусусиятлари ва имкониятлари ўрганилган, МДЯ асбоблар асосида наноструктураларни шакллантириш физикаси асослари ва уларни кўллаш аспекти тахлил қилинган. Адабиёт шарҳидан келиб чиқиб, тадқиқот объектларига талаблар, диссертациянинг мақсади ва вазифалари шакллантирилган.

«**Ионизацияловчи нурланиш, термик-майдон ва термик ишловнинг МДЯ транзисторлар диэлектрик-яримўтказгич чегараси хоссаларига ва ток характеристикаларига таъсири**» деб номланган иккинчи бобда намуналарни нурлантириш учун фойдаланилган юқори энергияли тормозловчи нурланишнинг ва Со-60 гамма квантларнинг дозиметрияси асосий тушунчалари келтирилган, ютилган дозадан нурланиш энергия кўчирилишига ўтиш ифодалари келтирилиб чиқарилган, вольтампер характеристикасини ўлчаш қурилмалари тавсифи ва ўлчаш мазмуни кўриб ўтилган, МДЯ транзистор оксид-яримўтказгич чегарасида юқори энергияли тормозловчи нурланиш, Со-60 манба гамма-квантларининг, термик ва термик-майдон ишловидан кейинги юза сатхлар энергетик спектрини ва юза сатхлар интеграл зичлигини, сток сизиш токи ва бўсаға кучланишини ўрганиш натижалари келтирилган.

Намунани юқори энергияли тормозловчи нурланиш билан нурлантиришда юқори интенсивликни таъминлаш мақсадида камерали усулдан фойдаланилган. Намуна жойлашган жойда нурланиш энергия оқими зичлиги $I=0.195$ Вт/см² ни ташкил қилган. Ўлчаш натижалари намунанинг жойлашган жойида энергия кўчирилиши F га нисбатан нормалланган. Энергия кўчирилиши F нурланиш энергия оқими зичлиги I орқали топилади. Со-60 квантлари билан нурлантириш Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ядро физикаси институти гамма-нурланиш қурилмасида амалга

оширилган. Нурланишни назорат қилиш ДОГ-25/200 дозиметр ёрдамида экспозицион доза орқали бажарилган. Нурлантириш жойида Со-60 квантлар энергия оқими зичлиги 0.12 Вт/см^2 ни ташкил қилган.

Диссертация ишида МДЯ транзистор чиқиш ва ўтиш вольтампер характеристикалари ҳам ўлчанган. Чиқиш вольтампер характеристикаси сток токининг сток-исток кучланишига боғланишини билдиради. Ўтиш вольтампер характеристикасини аниқлаш учун сток-исток кучланиши доимий сақланган ҳолда, сток токининг затвор-исток кучланишига боғланиши ўлчанган. Ўтиш характеристикадан транзисторнинг бўсаға кучланиши аниқланади. Ўтиш вольтампер характеристикаси затвор кучланишининг бўсағадан юқори ва бўсағадан паст соҳасида ўлчанган.

Бўсаға кучланиши V_T қиймати сифатида сток токи $I_{DS} = 30 \text{ мкА}$ га тўғри келадиган затвор кучланиши қабул қилинган, бунда сток-исток кучланиши $V_{DS} = 90 \text{ мВ}$ қийматида ушлаб турилган. Затвор кучланиши В7-34А вольтметр ёрдамида назорат қилинган. Затворга кучланиш Б5-21 ва стокга Б5-50 доимий ток манбаларидан берилиб турилган. Ўлчашларда исток-база кучланиши нолга тенг қилиб олинган.

Юза сатҳлар зичлиги сирт потенциалининг $0.3 \text{ В} - 0.6 \text{ В}$ оралиғида аниқланган. Натижалар шуни кўрсатадики, юқори энергияли тормозловчи нурланиш билан нурлантирилганда Si-SiO₂ чегарасидаги сирт ҳолатлар зичлиги, ўрганилган сирт потенциаллар оралиғида, нурлантириш вақти ортиши билан монотон ортиш характерига эга. Нурланиш энергияси кўчирилиши $F = 7.6 \cdot 10^3 \text{ Ж/см}^2$ га мос бўлган катта вақт давомида нурлантириш натижасида, бутун ўрганилган сирт потенциали соҳасида, юза сатҳлар зичлигининг ўзгариши 10^{11} см^{-2} тартибга эга. Олинган натижалар адабиётлардан олинган натижалар (нурланиш энергияси кўчирилиши $0.87 \cdot 10^2 \text{ Ж/см}^2$ ва $0.87 \cdot 10^3 \text{ Ж/см}^2$ бўлган ҳолдаги Со-60 квантлари билан нурлантириш натижалари) билан таққосланган. Со-60 гамма-квантлари нурланиш энергияси кўчирилиши юқори энергияли тормозловчи нурланишдагига нисбатан бир тартибга кичик бўлган ҳолда ҳам, бутун ўрганилган сирт потенциали соҳасида, сирт зичлиги тахминан бир тартибга кўпроқ ўзгаради. Бундай ўзгаришлар фарқининг сабаби кўрилатган нурланишларнинг энергетик спектрларининг фарқланишидадир.

Сирт ҳолатлари ҳақида қўшимча маълумотлар олиш мақсадида нурлантирилмаган МДЯ транзисторларга, $100^0 - 250^0 \text{ С}$ оралиғида ҳар бир ўрганилган ҳароратда 120 дақиқа давомида, оксидда затвордан тагликка йўналган $5 \cdot 10^5 \text{ В/см}$ кучланганликли электр майдон қўйилган ҳолда, термик –майдон ишлов (ТМИ) берилган. Натижалар шуни кўрсатдики, $100^0, 150^0, 200^0 \text{ С}$ ҳароратлардаги ТМИ энергетик спектрнинг деярлик ўзгаришларига олиб келмайди, аммо 250^0 С да, сирт потенциали 0.6 В га тенг бўлганда, яъни валент зонадан 0.25 эВ масофадаги сатҳга мос келганда, сирт сатҳлар дифференциал зичлиги кескин ортади. ТМИ натижасида юқори ҳарорат таъсирида оксид қатламида делокализацияланган коваклар электр майдон таъсирида яримўтказгич сирт чегараси томонга дрейфланиб, Si-SiO₂ чегара

соҳасида таранг боғларни узилиши билан боғлиқ бўлган нуқсонларни шакллантиришга олиб келадиган реакцияларда қатнашади.

Si-SiO₂ чегара юза сатҳлар интеграл зичлиги ва сток сизиш токига юқори энергияли тормозловчи нурланиш таъсири билан Co-60 квантларнинг таъсири ҳам таққосланган. 1- ва 2-жадвалларда юқори энергияли тормозловчи нурланиш (1-жадвалга қаранг) ва Co-60 манба гамма-квантлари (2-жадвалга қаранг) энергия кўчирилишининг тўртта қийматларига мос келувчи сток сизиш токининг нисбий ўзгаришлари келтирилган.

1-жадвал

Сток сизиш токи ўзгаришининг тормозловчи нурланиш энергия кўчирилиши, сирт сатҳлар интеграл зичлиги ва ток ташувчилар харакатчанлигига боғлиқлиги билан таққослаш

№	F, Дж/см ² , юқори энергияли тормозловчи нурланиш энергия кўчирилиши	ΔN_{ss} , см ⁻² , сирт сатҳлар интеграл зичлиги	μ/μ_0 , харакатчанлик нисбий ўзгариши, μ_0 – нурланишдан олдинги харакатчанлик	I_D/I_{D0} , Сток сизиш токининг нисбий ўзгариши, I_{D0} – нурланишдан олдинги сток сизиш токи
1	10 ¹	1.2 · 10 ¹⁰	0.95	1.70
2	10 ²	1.5 · 10 ¹⁰	0.90	0.85
3	10 ³	2.0 · 10 ¹⁰	0.72	2.00
4	5 · 10 ³	1.3 · 10 ¹¹	0.22	3.70

2-жадвал

Сток сизиш токи ўзгаришининг Co-60 квантлар нурланиш энергия кўчирилиши, сирт сатҳлар интеграл зичлиги ва ток ташувчилар харакатчанлигига боғлиқлиги билан таққослаш

№	F, Дж/см ² , Co-60 квантлар нурланиш энергия кўчирилиши	ΔN_{ss} , см ⁻² , сирт сатҳлар интеграл зичлиги	μ/μ_0 , харакатчанлик нисбий ўзгариши, μ_0 – нурланишдан олдинги харакатчанлик	I_D/I_{D0} , Сток сизиш токининг нисбий ўзгариши, I_{D0} – нурланишдан олдинги сток сизиш токи
1	10 ¹	7.0 · 10 ¹⁰	0.60	3.6
2	10 ²	9.0 · 10 ¹⁰	0.40	3.7
3	10 ³	1.9 · 10 ¹¹	0.10	3.8
4	5 · 10 ³	8.3 · 10 ¹¹	-	3.70

Сизиш токи I_d нинг қиймати базага нисбатан сток кучланиши 5 В бўлганда ва исток билан затвор ерга уланган ҳолда ўлчанган. Тормозловчи нурланиш ва Co-60 квантлар билан нурлантирганда ҳам юза сатҳлар зичлигининг ортиши кузатилади, аммо бу ўзгаришларнинг тезлиги турлича бўлади. Сизиш токининг ўзгариши эса бу ҳоллар учун кескин фарқ қилади.

1-жадвалдан кўринадикки тормозловчи нурланиш билан нурлантирилганда I_d нинг ўзгариши номонотон: кичик нурланиш энергия кўчиришларида камайиб, энергия кўчиришларининг каттароқ қийматларида ортади. Сизиш токининг бундай номонотон ўзгаришлари иккита механизмнинг, яъни ток ташувчилар ҳаракатчанлигининг камайиши ва сиртий концентрациясининг ўзгариш механизмларининг рақобатлашиши билан тушунтирилиши мумкин.


Юқори энергияли тормозловчи нурланишининг таъсирдан фарқли равишда, $Co-60$ квантларининг таъсирида, нурланиш энергия кўчирилишларининг кичик қийматларида ҳам сизиш токи I_d нинг кескин ортиши ва тезда тўйиниши кузатилади (2-жадвалга қара). Сизиш токининг бундай ўзгаришлари ҳаракатчанлик $\mu_{эфф}$ нинг ўзгаришлари билан корреляцияга эга эмас. Инверсион қатламдаги ҳаракатчанлик, юқори энергияли тормозловчи нурланиш таъсиридаги каби, $Co-60$ квантларининг таъсирида ҳам камаяди, аммо бунда ўзгариш тезлиги фарқ қилади. Ҳаракатчанлик камайишига қарамасдан, сизиш токи кичик нурланиш энергия кўчирилишларида ҳам сезиларли ортади. Сизиш токининг бундай ўзгаришлари, $Co-60$ квантларининг ҳатто кичик энергия кўчиришларда ҳам, диэлектрик қатламга киритилган заряд таъсирида сиртий концентрациянинг ўзгариши билан боғлиқ бўлган механизмнинг кучлироқ эканлигидан келиб чиқади. Аёнки, бунинг сабаби тормозловчи нурланиш ва $Co-60$ квантларнинг энергетик спектрларининг фарқи билан боғлиқ. Спектрида фақат иккита чизиқ - 1.17 МэВ ва 1.23 МэВ га эга бўлган $Co-60$ квантлар билан нурлантирилганда оксид қатлами ва $Si-SiO_2$ фазавий чегарада нурланиш ютилиш дозаси, спектрида юқори энергияли квантларга (30 МэВ гача) эга бўлган юқори энергияли тормозловчи нурланиш билан нурлантирилгандагига нисбатан юқорироқ бўлади.

Ушбу бобда юқори энергияли тормозловчи нурланишнинг ва навбатдаги термик-майдон ишловнинг бўсағавий кучланишга ва бўсаға кучланишининг оксид қатламда зарядлар тўпланиши билан боғлиқ ташкил этувчиси ва кремний оксиди-кремний чегарасидаги зарядлар билан боғлиқ ташкил этувчисига таъсири кўрилган. Радиациянинг таъсир механизмини аниқлаш учун бўсаға кучланишининг ўзгариши иккита ташкил этувчига ажратилган: чегарада тўпланган зарядлар ҳисобига ўзгариши ΔV_{Nit} ва оксид қатламида тўпланган зарядлар ҳисобига ўзгариши ΔV_{Not} . ΔV_{Nit} бўсағадан паст ўтиш характеристикасини ўлчаш натижаларидан қуйидаги ифода ёрдамида ҳисобланган:

$$\Delta V_{Nit} = \frac{\Delta S \varphi_B q}{kT \ln(10)},$$

бунда S_{ox} – оксид қатлами сигими, ΔS – бўсағадан паст ўтиш вольтампер характеристикаси тиклигининг ўзгариши, φ_B – база чуқурлигидаги потенциал, T – температура, k – Больцман доимийси. ΔV_{Not} компонента бўсаға кучланиши ўзгариши ΔV_T дан ΔV_{Nit} ни айириш орқали ҳисобланади. 1-расмда ΔV_T ва унинг ташкил этувчилари ΔV_{Nit} ва ΔV_{Not} ларнинг Co^{60} квантлар ва юқори энергияли тормозловчи нурланишнинг энергия


кўчирилишига боғланиши келтирилган. Расмдан кўриниб турибдики, иккала нурланиш учун ҳам бўсаға кучланиш ўзгариши монотон характерга эга, лекин ўзгариш тезликлари бир-биридан фарқ қилади. ΔV_{Not} нинг ўзгариш характери ҳам иккала нурланиш учун бир хил характерга эга ва монотон, ammo ΔV_{Nit} нинг ўзгаришлари бир-биридан фарқ қилади. Бўсаға кучланишининг ўзгариш тезликларининг фарқ қилиши радиациявий эффектларнинг нурланиш интенсивлигига боғлиқлигидан келиб чиқиши аёндыр.



1-расм. Бўсаға кучланиши ўзгариши ΔV_T ва унинг ташкил этувчилари ΔV_{Nit} ва ΔV_{Not} ларнинг юқори энергияли тормозловчи нурланиш (а) ва Со-60 квантларнинг энергия кўчирилишига боғланиши.

Юқори энергияли тормозловчи нурланиш билан нурлантирилган МДЯ транзисторнинг параметрлари тикланишини ўрганиш учун 50-400⁰ С температура оралиғида паст температурали изохрон термик ишлов амалга оширилган. Ҳар бир 30 минутлик термик ишловдан кейин, бўсаға кучланиши ва бўсаға кучланишининг ΔV_{Nit} ва ΔV_{Not} ташкил этувчиларини аниқлаш учун, бўсағадан паст ўтиш характеристикаси ўлчанган. 2-расмда шу ўлчашлар натижалари тасвирланган. Бу расмдан кўриниб турибдики, 210⁰ С гача бўсаға кучланиши кичик ўзгаради, $|\Delta V_{\text{Nit}}|$ эса 120⁰ С дан бошлаб орта бошлайди ва 210⁰ С максимал қийматига эришади. Бу Si-SiO₂ чегарада юза сатхлар зичлигининг ортишини билдиради. Эҳтимол, юза сатхлар зичлигининг ортиши оксид қатламидаги мусбат зарядли шаклланишларнинг сиртга дрейфи билан боғлиқдыр. Оксид қатламидаги мусбат зарядлар камайиши $|\Delta V_{\text{Not}}|$ нинг температура ортиши билан камайишида аксланади. 210⁰ С температурада оксид қатламида радиация таъсирида индукцияланган зарядлар тўлиқ аннигиляцияланадилар.


210⁰ С дан юқори температураларда бўсаға кучланишининг ўзгариши деярлик тўлиқ $|\Delta V_{\text{Nit}}|$ нинг ўзгариши, яъни Si-SiO₂ чегарадаги зарядларнинг ўзгариши билан боғлиқдыр. Сиртдаги зарядлар 360⁰ С температурада деярлик тўлиқ аннигиляцияланади. Юза сатхлар зичлигининг камайиши узилган боғларнинг Cl ионлари билан тўйиниши ҳисобига ва чегаравий сатхларнинг аннигиляциясига олиб келувчи ҳаракатчан водород атомларнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ бўлиши мумкин.



2-расм. Юқори энергияли тормозловчи нурланиш билан нурлантирилган МДЯ транзистор бўсага кучланиши ΔV_T ва унинг ташкил этувчилари ΔV_{Nit} ва ΔV_{Not} ларнинг ўзгаришининг термик ишлов температурасига боғланиши.

Диссертациянинг «МДЯ асбоблар хоссаларига радиация ва майдон таъсирини экспериментал тадқиқ қилиш» деб номланган учинчи бобида юқори частотали вольтфарад характеристикасини (ЮЧ ВФХ) ўлчаш қурилмалари тавсифи ва ўлчаш мазмуни кўриб ўтилган, ионизацияловчи нурланиш ва ориентацияланган электр майдонининг МДЯ транзистор ён ўтишларининг тескари токи, тешилиш кучланиши ва вольтфарад характеристикаларига таъсирини экспериментал ўрганиш натижалари ва атом кучли микроскопи асосидаги Кельвин проба усули ёрдамида оксид қатламига локал зарядлар киритиш ва унинг потенциалини ўрганиш имкониятлари кўрилган.

ЮЧ ВФХ усули реал МДЯ тузилмасининг юқори частотали сиғимини берилган кучланишга боғлиқ равишда экспериментал ўлчаш ва уни худди шундай параметрли идеал МДЯ транзисторнинг назарий ҳисобланган сиғими билан таққослашдан иборат. Назарий вольтфарад характеристика МДЯ тузилма назарияси асосида ҳисобланади. ЮЧ C-V характеристикаларни ўлчаш ЮЧ кўприкли сиғим ўлчагич ёрдамида, силжитиш кучланиши қўлда бошқариладиган ўзгармас ток манбаи томонидан берилган ҳолда амалга оширилган. Қурилма (3-расм) аррасимон кучланиш генератори (Г), силжитиш манбаи (ИС), селектив кучайтиргич (СУ), синхрон детектор (СД), ноль ўрнатиш занжири (СУН), регистрация қурилмаси (РУ) дан ташкил топган. RC-бўлгичдаги токни ажратиб оладиган қаршилик ўрганилаётган МДЯ транзистор тўлиқ қаршилигидан анча кичик қилиб олинади. Бунда, агар МДЯ транзистор актив қаршилиги ҳисобга олинмаса, кучайтиргич киришидаги сигнал: $V_{вх} = V_{тс} R \omega C$ бўлади, бу ерда $V_{тс}$ – тест сигнал кучланиши, ω – тест сигнал частотаси. Бунда чиқишдаги сигнал ўлчанаётган сиғимга пропорционал бўлади. Тест сигнал частотаси 100 КГц га, амплитудаси 30 мВ га тенг. Синусоидал шаклдаги ўзгарувчан кучланиш ўлчанаётган сиғимга (тузилмага) сиғим ва қаршиликдан иборат бўлган бўлгич орқали берилади. Юклама қаршилигидан олинладиган кучланиш селектив кучайтиргичга берилади. Кучайтиргичдан сигнал селектив детекторга ва кейин ноль ўрнатиш занжири орқали чиқиш ва қайд қилиш қурилмасига боради. Сиғимнинг кучланишга боғланишини ўрганиш учун МДЯ тузилмага силжитиш манбаидан бошқариладиган кучланиш берилади.




3-расм.МДЯ тузилма юкори частотали C-V характеристикасини ўлчаш курилмаси блок-схемаси.

Ушбу бобда МДЯ транзистор исток-база ва сток-база ўтишларининг тескари токи ва тешилиш кучланишларига бир вақтнинг ўзида $Co-60$ гамма квантларнинг ва йўналтирилган электр майдонининг таъсири натижалари ҳам келтирилган. Нурлантириш вақтида йўналтирилган электр майдон билан таъсир қилиш мақсадида МДЯ транзистор затворида стокга нисбатан $U_{G-D} = +10$ В кучланиш берилган, бунда исток билан база ерга уланган бўлади. Кремний сиртига яқин соҳаларда майдон кучланганлигининг ташкил этувчиси 10^7 В/м тартибда бўлади. Натижалар шуни кўрсатадики, В-D ўтишнинг тескари вольтампер характеристикаси деярлик нурлантиришдан олдинги кўринишда бўлади, лекин кичикроқ тешилиш кучланишга эга бўлади (4-расм, 1 ва 2 эгри чизиқлар). В-S ўтишнинг тескари токи нурлантиришдан кейин ортади, аммо тешилиш кучланишининг ўзгариши кичик бўлади (4-расм, 3 ва 4 эгри чизиқлар). В-S ва В-D ўтишларининг тескари токининг бундай ўзгариши уларнинг сиртида ионизацияловчи гамма нурланиш таъсирида кремний билан оксид чегарасидаги кремний чегара сиртида зарядлар миқдорининг ўзгариши, яъни унинг тўпланиши билан боғлиқдир. Si-SiO₂ чегарасида ва оксид қатламида мусбат зарядлар тўпланиши МДЯ транзисторнинг бўсаға кучланишининг ўзгаришида номоён бўлади. 5×10^6 Р дозаси билан нурлантиришда барча намуналарда бўсаға кучланиши 6-8 В га каттароқ манфий кучланишлар соҳасига силжиган. Оксид қатламида ва чегарада тўпланган мусбат зарядлар базанинг ҳажмидан (n - соҳадан) электронларни сиртга тортади. Оксид қатлами сток соҳасининг қандайдир қисмини ҳам қоплагани учун оксиддаги мусбат зарядлар сток соҳасидаги электронларни сиртга тортади ва етарли даражада мусбат заряд тўпланганда p⁺- сток соҳасининг сирт қисмининг ўтказувчанлик тури ўзгариб, n- p⁺ ўтишда сиртий ўтказувчан канал ҳосил бўлади. Сиртий ўтказувчан канал иккала В-S ва В-D ўтишларда ҳам ҳосил бўлади, аммо бу каналларнинг, эҳтимол, кесими ва геометрияси турлича бўлиши мумкин.

В-D ўтишда тешилиш кучланишининг пасайиши, оксидда тўпланган мусбат зарядлар томонидан сиртга тортиладиган электронлар концентрациясининг ортишдан келиб чиқадиган ўтиш кенглигининг торайиши билан боғлиқ бўлиши мумкин. Ўтишнинг сиғими, яъни конденсатор ёндашишида, ўтиш сиртининг ўтиш кенглигига нисбати билан аниқланганлиги учун ва ўтиш сиғими деярлик ўзгармаганлиги ўтиш сиртининг ҳам мос равишда камайишини билдиради. Тескари вольтампер



характеристика бу ҳолда электр тешилишига мос бўлган, лекин кичик тешилиш кучланишли вольтампер характеристикага ўхшаган бўлади (4-расмга қаранг). Эҳтимол шундай ўзгаришлар ҳисобига ўтишнинг айрим қисмларида тешилишнинг бошқа механизмлари (масалан, туннел тешилиш) ҳам сезиларли бўлиб қолади.



4-расм. МДЯ транзистор В-Д (1,2) ва В-С (3,4) ўтишларининг нурлантиришдан олдинги (1,3) ва кейинги (2,4) тескари вольтампер характеристикалари.

Оксид қатламида зарядларнинг нотекис тақсимланишининг МДЯ транзистор ён ўтишларининг $C-V$ характеристикаларига таъсири кўрилган. Оксид қатламида радиация томонидан индукцияланган зарядларнинг нотекис тақсимланишига эришиш учун экспозицион дозаси 300 Р/с бўлган Со-60 гамма-квантлар билан нурлантириганда намуналарнинг биринчи гуруҳида стокга нисбатан истокга ± 10 В кучланиш берилган. Затвор ва база манбанинг мусбат кутбига уланган. Таққослаш учун намуналар иккинчи гуруҳи кучланиш берилмаган ҳолда нурлантирилган. Ўрганиладиган намуналар сифатида солиштирма қаршилиги $\rho=7.5$ Ом·см ва канал узунлиги 11 мкм бўлган p-каналли МДЯ транзисторлар олинган. Биринчи ва иккинчи гуруҳ намуналарининг S-V ўтишларининг типик $C-V$ боғланишлари 5-расмда ва МДЯ транзисторнинг схематик расми 6-расмда келтирилган. Натижалар шуни кўрсатадики, бу боғланишларнинг ўзгаришлари асосан биринчи гуруҳ намуналарда сезиларли кечади. S-V ўтиш p^+-n ўтиш бўлганлиги учун унинг нурланишдан олдинги $C-V$ боғланиши p^+-n ўтишнинг сиғим моделига мос келади (5-расм, 1 эгри чизик). Лекин оддий p^+-n ўтишдан фарқли равишда МДЯ транзистор S-V ўтишининг сирти оксид қатлами билан қопланган, ва шу сабабли оксид қатламида ва S-V ўтишнинг сиртидаги радиациявий индуцирланган заряд n-Si тагликнинг ҳажмидан электронларни сиртга тортади. Яримўтказгич сиртига тортиладиган электронлар концентрацияси киритилган зарядларнинг потенциалига ҳам боғлиқ бўлади. Сиртда электронлар концентрациясининг ортиши ҳажмий зарядлар соҳасининг (ХЗС) кенглигининг камайишига ва, демак, S-V ўтиш чегарасининг эгриланишига олиб келади (6-расм, қўшимча). ХЗС кенглигининг камайиши эса ўтиш сиғимининг ортишига олиб келади (5-расм, 3- эгри чизик). Нурлантириш дозаси ортиши билан, $C-V$ боғланишда сиғим, кучланиш бўйича биржинсли бўлмаган ҳолда, каттароқ қийматлар соҳасига силжийди (5-расм, 5 - эгри чизик) ва бунда катта бўлмаган экспозицион дозаларда

($5 \cdot 10^6$ P гача) қандайдир критик кучланиш V_C дан каттароқ кучланишларда сиғим ўзгармайди (5-расм, 3- эгри чизик). Бундай ҳолат S-V ўтиш чегарасининг V_C кучланишдан каттароқ кучланишларда тўғриланиши билан боғлиқ бўлиши мумкин (6-расм, қўшимча). V_C дан каттароқ кучланишларда сиғим нурлантиришдан олдинги ҳолатига мос ХЗС кенглиги билан белгиланади. ХЗС нинг V_C га мос d_C кенглиги, киритилган зарядлар томонидан яримўтказгич сиртининг асосий заряд ташувчилар билан бойитилган соҳасининг чизикли ўлчамини белгилайди.




5-расм. S-V ўтишнинг нурлантиришдан олдинги (эгри чизик 1) ва электродларда кучланишсиз 10^7 P экспозиция билан (эгри чизик 2), истокда +10 В ва экспозиция $5 \cdot 10^6$ P (эгри чизик 3), истокда -10В $5 \cdot 10^6$ P экспозиция билан (эгри чизик 4), истокда +10 В 10^7 P экспозиция билан (эгри чизик 5) нурлантиригандан кейинги C-V боғланишлари.


6-расм. p-каналли МДЯ транзисторнинг схематик расми. Қўшимчада S-V ўтишнинг сиртидаги оксид қатламининг бир қисми кўрсатилган, штрих чизиклар билан ўтишга турли кучланишлар берилганда шу ўтишнинг чегаралари кўрсатилган. $d(V_C)$ – V_C кучланишдаги ўтиш кенглиги.

Ушбу бобда шунингдек, атом кучли микроскопи (АКМ) асосида Кельвин проба усулини диэлектрик қатламга киритилган зарядларнинг потенциалини ўрганиш учун қўллаш имкониятларини тадқиқ қилиш натижалари ҳам келтирилган. Оксид қатламга АКМ ёрдамида зарядлар киритиш ва уни детекторлаш имкониятларини ўрганиш учун 7-расмда кўрсатилган, махсус, диэлектрик-яримўтказгич тузилмаси тайёрланган. SiO_2 сиртига зарядлар киритиш («ёзиш») учун бу сиртга яқинлаштирилган АКМ нинг игнасига контактсиз режимда n - Si га нисбатан +10 В кучланиш 15 мин давомида берилган. Зарядланган соҳанинг олинган Кельвин тасвири шуни кўрсатадики, ёруғ марказий соҳа атрофида ҳалқасимон қора соҳа ҳосил бўлади. Эҳтимол бу ҳолда, «ўқиб олиш» жараёнида локал зарядлардан узоқроқ масофада, тагликга манфий кучланиш берилгани учун, игнада мусбат заряд тўпланади. Мусбат локал зарядлар устидан ўтаётганда игнада

индукцияланган зарядлар ўзгаради ва куч градиенти контурида минимум максимумга ва яна тескарисига ўзгаради (8-расмга қаранг). Куч градиенти контури ўзгаришига мос равишда тасвир марказида ёруғ доғга айланадиган қора соҳадан иборат бўлади ва шунга ўхшаш тасвир бизда кузатилмоқда.



7-расм. Оксид қатламига АКМ ёрдамида заряд киритилишини ўрганиш учун тайёрланган намуна тузилмаси.



8-расм. Топография (а), зарядланган соҳа сирт потенциали тасвири (б) ва шунга мос шу соҳага кўндаланг йўналишдаги потенциал тақсимоти (с). Зарядланган соҳа А харф билан кўрсатилган.


Диссертациянинг «Оксид қатламига киритилган зарядларнинг МДЯ транзистор ён вольтфарад характеристикасига таъсирини ўрганиш» деб номланган тўртинчи бобда МДЯ транзистор ён ўтишларининг вольтфарад характеристикаларини ишлаб чиқилган усул ва мос дастур ёрдамида моделлаштирилиши кўрилган. Шу дастур ёрдамида оксид қатламига киритилган зарядларнинг МДЯ транзистор ён ўтишларининг вольтфарад характеристикасига таъсири ўрганилган.

МДЯ транзисторнинг ён исток-база ўтиши одатда кескин p^+-n (ёки n^+-p) ўтиш бўлганлиги сабабли унинг сиғимини ҳисоблашда ясси конденсатор ёндашишидан фойдаланиб, ҳажмий заряд соҳаси кенглигини баҳолаш мақсадида ток ташувчилар концентрациясининг тақсимотини аниқлаш мумкин. База соҳасида ташувчилар концентрацияси тақсимотини аниқлаш учун шу соҳада потенциаллар тақсимотини аниқлаш керак.

